

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВА НАРГИЗА ИБРОҲИМОВНА**

**БУЮК СИЙМОЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ ОРҚАЛИ  
БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**С**

**pedagogical sciences**

**n**

**t**

**Эргашева Наргиза Иброҳимовна e**

Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини  
шакллантириш методикасини такомиллаштириш.....3

**s**

**Эргашева Наргиза Иброҳимовна**

Совершенствование методики формирования чувства национальной гордости  
у детей путем ознакомление их с великими деятелями .....23

**s**

**t**

**Ergasheva Nargiza Ibrohimovna r**

Improving the technique of forming a sense of national pride in children the  
introduction of great images.....43

**t**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати o**

Список опубликованных работ f

List of published works.....47

**of philosophy (PhD) on**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВА НАРГИЗА ИБРОҲИМОВНА**

**БУЮК СИЙМОЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ ОРҚАЛИ  
БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати:** Жаҳон миқёсида ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим беришда буюк сиймоларнинг бой маданий меросларидан фойдаланиш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш, мамлакатда мактабгача таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Шу боис, ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган халқаро таълим концепциясида “ижтимоий институтларнинг таълимий, маданий ва маърифий салоҳиятини ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш”<sup>1</sup> долзарб вазифа сифатида белгиланган. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда миллий ғурур ҳиссини шаклланиши ва тарбиясига таъсир кўрсатадиган энг муҳим ижтимоий институт бу буюк сиймолар эканлиги таъкидланиб, аждодларнинг маданий мероси – авлоддан-авлодга ўтиб келаётган илмий, маънавий асарлар, урф-одатлар, қадриятларнинг узвийлигини сақлайдиган ижтимоий-маънавий кўникманинг шакллантирувчи асоси сифатида қаралади. Шу жиҳатдан, МТТ тарбияланувчиларида буюк аждодларнинг бой маънавий меросига нисбатан эҳтиром, ҳурмат муносабатларини шакллантиришнинг методик имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу педагогик жараён самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Дунёда мактабгача таълим тизимида болаларнинг аждодларнинг маданий меросига нисбатан ижтимоий муносабатларни ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш методикаларини лойиҳалаштиришга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунда буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишига алоҳида эътибор берилиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларда миллий онг таъсирида ўзликни англаш, муҳим аҳамият касб этади. Бунда асрлар мобайнида шаклланган урф-одатлар, анъаналарни ўрганиш, тарихда жаҳон цивилизацияси тамал тошларини қўйган буюк сиймолар билан мактабгача таълим ёшидан бошлаб болаларни таништириш орқали миллий ғурур, ифтихор ва фахр туйғулари шаклланган маънавий баркамол инсонни тарбиялаш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистонда миллий ғурур ва ифтихор ҳислари ватанпарварлик тушунчаси билан уйғунлашиб, янгича мазмун касб этди. Миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан мактабгача ёшдан аниқ бериладиган таълим-тарбия йўналишларига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шу боис, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва

---

<sup>1</sup> Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). 6p. 26 P.

жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг

м  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ 595-сон Қонуни, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

и **Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устивор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

к **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

с Республикада мактабгача таълим ташкилотлари таълим тарбия жараёнини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар: О.Тўраева, Ғ.Ҳасанбоева, Ф.Қодирова, Ш.Шодмонова, Н.Бикбаева, Д.Бабаева, Н.Джамилова, Г.Джанпеисова, А.Мухсиева, П.Юсупова, Жумладан, Ҳ.Аскарлова, З.Курбонниёзова, Ф.Норбоева, А.Реджабоев, Б.Ҳақимова, Ш.Отажонова, О.Мусурмоноваларнинг миллий ғурур, миллий ўзликни янгилаш, миллий онг тарбиясига оид ишларида кенг ёритиб берилган.

ш

” МДҲ олимларидан Н.Короткова, С.Лебедева, А.Макаревич, А.Сорокина, В.Гербова, Л.Житникова, А.Зрожевская, Н.Михайленко, Н.Немовалар мактабгача таълим вазифа ёрналишида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Хорижий олимлардан Л.Граш, М.Монтессори, О.Декроли, П.Кергомар, С.Бенджамин, Ж.Руссоларнинг ишларида мактабгача таълим соҳасида таҳсинга лойиқ ишлар қилинган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчиларни буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. Б. 39.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчиларни буюк сиймолар билан таништириш орқали уларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг ижтимоий, педагогик-психологик жиҳатларини назарий асослаш;

буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга оид “Аждодларга муносиб авлод” вариатив дастурининг амалиётга жорий этиш;

буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг мазмуни ва компонентларини аниқлаштириш, методик моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини буюк сиймолар билан таништириш орқали уларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштириш;

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг миллий ғурур ҳиссини шакллантириш даражаларини аниқлаш бўйича педагогик тажриба-синов ўтказиш, натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** мактабгача таълим ташкилоти катта ва тайёрлов гуруҳ тарбияланувчиларини буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот муаммосига оид тарихий-қиёсий таҳлил, педагогик кузатиш, аналитик обзор, анкета, суҳбат, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш, қиёсий тавсифий методлардан фойдаланилган ҳолда асосланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларида берилган бешта соҳа ва кичик соҳалар (ижтимоий-ҳиссий, нутқ, когнитив, ижодий) интеграцион таъсир даражасига устуворлик бериш, болаларда миллий ғурур, фахр, ифтихор туйғуларини шакллантириш мазмуни буюк сиймолар билан таништириш жараёнида такомиллаштирилган;

ижтимоий-коллоборатив ҳамкорлигини фасилитацион технологияларга асосланган методик тизимни киритиш асосида буюк сиймолар билан таништиришда, болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш педагогик шарт-шароитлари мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла, ота-оналарнинг ижтимоий-коллоборатив ҳамкорлигини фасилитацион технологияларга асосланган методик тизимни киритиш орқали такомиллаштирилган;

буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш педагогик шарт-шароитлари мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла, ота-оналарнинг ижтимоий-коллоборатив ҳамкорлигини

фасилитацион технологияларга асосланган методик тизимни киритиш орқали такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикаси мультимедияли таълимий ўйин муҳити (виртуал музей, кейс-графиклар, контекстли ўйинлар) ҳамда эвристик технологияларга (General project, Circle of ideas, Collage) асосланган креатив таълим компонентларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчиларининг миллий ғурур ҳиссини шаклланганлик даражасини баҳолашнинг фаолиятли-хулқ-атвор тизими (мотивацион, эмоционал-ҳиссий, хулқ-атвор) болаларнинг буюк сиймолар тўғрисидаги тасаввурлари, ижодий кўникмалари ҳамда компетенцияларини рефлексив-баҳоловчи компонентларини киритиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун “Миллий-маънавий кадриятлар ва комил инсон тарбияси”, “Аждодлар шажарасида баркамол авлод тарбияси” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларда буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда узвийлик жараёнининг дидактик таъминоти, ушбу йўналишда педагог-тарбиячиларнинг амалий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган машғулотлар ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларда буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган методик таъминотдан педагог-тарбиячиларнинг малакасини оширишда фойдаланиш бўйича “Аждодларга муносиб авлод” номли вариатив дастур ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён мазмуни, мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда МТТ-махалла-ота-она ҳамкорлиги модели, мазкур моделни амалга оширишнинг ташкилий-методик тизимини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун “Миллий-маънавий кадриятлар ва комил инсон тарбияси”, “Аждодлар шажарасида баркамол авлод тарбияси” номли методик қўлланманинг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги,

малака ошириш курслари тингловчилари, тарбиячилар учун вариатив дастурнинг ишлаб чиқилганлиги, катта ва тайёрлов гуруҳи болаларида миллий ғурур ҳиссини шаклланганлик даражасини белгиловчи баҳолаш мезонлари ва индикаторларининг ишлаб чиқилганлиги, амалиётга табиқ этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда миллий ғурур, фахр, ифтихор туйғуларини шакллантириш мазмунини такомиллаштириш, буюк сиймолар билан таништириш жараёнида мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг соҳалараро (ижтимоий-ҳиссий, нутқ, когнитив, ижодий) интеграцион таъсир даражасига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”ни ишлаб чиқишда

ф  
о  
й  
д

а мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикаси мултимедияли таълимий ўйин муҳити (виртуал музей, кейс-графиклар, контекстли ўйинлар) ҳамда эвристик технологияларга (General project, Circle of ideas, Collage) асосланган креатив таълим компонентларини киритиш билан боғлиқ методик таъминотидан мактабгача таълим ташкилотларида ривожланиш марказларидаги педагогик жараёнлар мазмунини

а  
я  
к

Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 06 июлдаги 02-02/2-822-сонли маълумотномаси). Натижада тарбияланувчиларнинг ёш ва психологик нуусиятларига илоблагга тапанишда миҳаллий ғурур ҳиссарини тақиянимрийн жараёнида ва қоҳамқарширинишга ҳасматтиқсан; технологияларга асосланган методик тизимни киритиш билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли Қарорига 1-илова билан тасдиқланган умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим

т  
я  
р

и мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчиларининг миллий ғурур ҳиссини шаклланганлик даражасини баҳолашнинг фаолиятли-хулқ-атвор тизими (мотивацион, эмоционал-ҳиссий, хулқ-атвор) болаларнинг буюк сиймолар тўғрисидаги тасаввурлари, ижодий кўникмалари ҳамда

т  
я  
ъ  
р  
и

компетенцияларини рефлексив-баҳооловчи компонентларини киритишга оид таклифлардан “Аждодларга муносиб авлод” вариатив дастури ва методик таъминотини ишлаб чиқишда ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида ривожланиш марказларидаги педагогик жараёнлар мазмунини

т  
а  
к  
о

м **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

л **Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий-услубий ишлар эълон қилинган бўлиб, шу жумладан, 10 та вариатив дастур, 1 та услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

и **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** диссертация кириш, уч боб, мулоҳаза, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 170 бетни ташкил этади.

а


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ф Диссертациянинг “**Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашнинг ижтимоий зарурият эканлиги, буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашнинг ҳозирги ҳолати, буюк сиймоларнинг фарзанд тарбияси ва камолотидаги ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади.”<sup>3</sup> Ушбу ғояда бир бутун таълим-тарбия тизимида маънавий-ахлоқий тарбия олдига қўйилган Давлат буюртмасининг яққол ифодасидир.

Н Шарқ ва Ғарб мутафаккири, маърифатпарварларининг педагогик қарашларида миллий ғурур тушунчаси турли тарихий даврда турлича талқин қилинганлигига қарамадан, уларнинг негизда ватанпарварлик, маълумотномаси). Натижада ривожланиш марказларида мактабгача ёшдаги инсонпарварлик, инсонийлик, миллий ифтихор, миллий ғоя бошқа болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёни сифати ва халқларнинг миллий эътиқодлари ва урф-одатларига ҳурмат ва эҳтирэм билан самарадорлигини оширишга хизмат қилган. Қараш муштарақлиги мужассамдир. Жумладан Аристотел, Сукрот, Афлотун, Балзак, Гёте, Руссо, Леонардо до Винчи каби ғарб олимларининг қарашларида қанчалик улуғланган бўлса, Конфуций, Ал-Бухорий, Термизий, Форобий,

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш., Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент-“Ўзбекистон”-2018, 415 б.

Беруний, Фирдавсий, Жомий, Ибн Сино, Лутфий, Навойи, Мирзо Улуғбек, Камолитдин Бехзод, Бобур каби шарқ мутаффақкирлари томонидан ҳам жуда эъзозланганини, уларнинг қолдирган маънавий меросларидан яққол кўришимиз мумкин.




1-расм. Миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг ўзаро уйғунлиги

Жумладан, катта ва тайёрлов гуруҳлари учун ҳозирги кунда ишлаб чиқилган йиллик режада февраль ойининг учинчи ҳафтасида буюк сиймолар билан таништириш ҳафталиги мавжуд бўлиб, унда Алишер Навоийнинг иккита кичик асари берилган, у ҳам миллий ғурур ҳиссини тарғиб қилишдан анча йироқда. Бизнингча, МТТ катта ва тайёрлов гуруҳларида буюк сиймолар ҳаёти ақс этадиган миллий ғурур ҳиссини тарбиялашга урғу берадиган, Ибн Сино ҳақидаги “Гўдак хотираси”, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги “Жалолиддиннинг жасорати”, Бобур ҳақидаги “Андижондан келтирилган совга”, Амир Темурнинг “Тузукки темурийдан” парча материалларни қўшимча сифатида киритишимиз ўз навбатида болаларни миллий, умуминсоний қадриятларимиз билан ёшлиқдан таништириб, дастлабки билимлар билан қуроллантирмоғимиз мақсадга мувофиқдир.




**2-расм. Миллий ғурур ҳиссини шакллантириш тамойиллари**

Диссертациянинг “**Буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштириш**” деб номланган иккинчи бобида буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш ва такомиллаштириш тизими, миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда тарбиячи, ота-она ҳамкорлиги, буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини тарбиялашни мотивлаштириш мазмуни ифода этилди.



**3-расм. Мактабгача таълим ташкилоти, оила ва маҳалланинг ҳамкорлик фаолияти**

Шу ўринда МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялашга доир асосий методологик тизимли кетма-кетлик, эркин фаолиятли, шахсга йўналтирилган, мазмунли, мақсадли, маънавий ёндашувларга асослаб ўтдик. Тадқиқотимизда тизимли ёндашув – оддийдан мураккабга қараб бориш етакчи роль ўйнайди. Булардан фойдаланишда келтирилган компонентларнинг: тарбиячилар ва ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борадиган таълим-тарбия мазмуни, шакли ва методларини тарбияланувчиларнинг тарбиялаш жараёнида бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган яхлит ижтимоий педагогик тизим эканлигига алоҳида аҳамият бердик.



**4-расм. Буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш жараёни.**

Тадқиқотимиз доирасида МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш мураккаб тизимли, педагогик ва психологик элементлардан тузилган деб қараймиз. Жумладан

**Мақсадли компонент** ўз ичига МТТ тайёрлов гуруҳларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялашнинг тизимли бир шаклда, тарбия тизимининг етакчи ғоялари буюк сиймоларнинг маънавий меросидан тузилиши, тарбияланувчилар шахсида миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш мақсадига йўналтирилган вазифаларни ўз ичига олади: Ўз ўрнида, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш методикасини такомиллаштиришда унинг асосий мезонлари: МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг “Аждодларнинг маънавий мероси”, “Ватанга садоқат”, “Миллатлараро ҳамжиҳатлик, умумисоний қадриятлар”, “Она тилига муҳаббат”, “Ватанпарварлик, инсонпарварлик”, “Ота-онага эҳтиром”, “Миллат мафаатини ўз манфаатидан юқори қўйиш” тушунчаларига эга бўлиш.

Санаб ўтилган ҳар бир мезонлар мақсадли аниқ фаолиятга йўналтирилган. Шу ўринда МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

болаларни ватанпарварлик тамойиллари асосида тарбиялаш;  
миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда буюк сиймолар маънавий меросидан ўринли фойдаланиш;

миллий қадриятлар, оилавий анъаналардан фойдаланиш;  
миллий ғурур ҳисси ва фахр, ифтихор ҳиссини намойиш эта олиш учун шароит яратиш;

болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган миллий ғурур ҳиссини буюк сиймолар билан таништириш орқали тарбиялаш методларини такомиллаштиришда “Аждодларга муносиб авлод” номли вариатив дастурини учта йўналишга бўлиб олдик.

**Биринчи йўналишда** “Аждодлардан мерос - Ватан” деб номладик. (бунда юртимизнинг тарихий шаҳарлари ҳақида маълумот берувчи видео ролик намойиш этилади. Иккинчи видео роликда шаҳарлар тасвири навбат билан бериб борилади видео ролик изоҳсиз бўлиб, изоҳни тарбияланувчилар беради ўз навбатида тарбиячи эксперт вазифасида болаларни рағбатлантириб, йўналтириб боради). Бу болани кўриб ҳикоя қилишга, мустақил фикрлашга, шаҳарлар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришга, бойитишга, шаҳарларнинг тарихини эслаб қолишга ўргатади.

**Иккинчи йўналишда** “Она юртим даҳолари” деб номладик. (Буюк сиймолар ҳақидаги видео ролик намойиш этилади, ҳар бир аллома ҳақида алоҳида видео ролик тайёрланди, ва алломанинг асосий хусусиятлари, болалик даври, намунали ишлари, ҳақида ҳикоя қилади) бу болани ўз юртидаги мутафаккир, буюк сиймолар билан танишишига ва уларнинг ҳаёт йўли, намунали ишлари ҳақида тушунчаларга эга бўлишига олиб келади. Ўз навбатида асар қаҳрамонлари характеридан келиб чиққан ҳолда

сахналаштириш ва драммалаштиришга хизмат қиладиган кўғирчоқлар атребутлар ҳам тайёрланди.

**Учинчи йўналишда “Аждодларга муносиб авлод”** номли вариатив дастур катта ва тайёрлов гуруҳлари учун ишлаб чиқилди. Бу дастурда буюк сиймолар билан таништиришда айнан болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашга урғу берилган дастур бўлиб, унда буюк сиймолар ҳақида, болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб тўпланган ҳикоя, ривоят, қиссалар ва турли тадбир сценарийлари, марказлар учун машғулот ишланмалари ўрин олган.

Дастурни: ҳамкорликдаги баҳс-мунозараларда, суҳбат, ахлоқий муаммолар ечимида, эркин фаолиятда, ривожлантирувчи марказларда турли шаклларда амалга ошириш тавсия этилади. Дастур асосида ишлаш МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи болаларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялашнинг янги такомиллашган усуллари мазмун моҳиятини ёритиб беради.

**Процессуал-коммуникатив компонент** сўнги илмий тадқиқот ишларимиздан МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашда маданий-маърифий тадбирларни кўпайтириш анъанавий шакл ва методлар билан бир қаторда тарбиянинг янги шакл ва методларидан фойдаланишни тавсия этади. Буларга мавзули кечалар, ижодий учрашувлар, баҳс-мунозаралар, экскурсиялар, муваффақиятли вазиятни юзага келтириш, эркин фаолиятни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бизнингча бу методлардан фойдаланиш миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш тизимида фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Ота-оналар, тарбиячи ва болалар билан мавзули суҳбат ва мунозарани ташкил қилишда қуйидагиларни инобатга олиш керак:

Мунозара мавзусини танлаш ва уни қай тарзда олиб боришни режалаштириш;


Танланган мавзу бўйича мунозарага тайёрланиш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) мунозара мавзуси юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар билан танишиш;

б) мунозара мавзуси юзасидан ривоят, эртак, кичик ҳикоя, афсоналар мавзуларини танлаш;

д) мунозарадан кейин тарбияланувчиларнинг, ота-оналарнинг фикрларини эшитиш уларнинг тўғри хулоса чиқаришлари учун тўғри йўналишлар бериш;

МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш юзасидан ота-оналарга педагогик билимлар беришда зарур деб ҳисобланган ишлардан бири қилинган ишларнинг ижодий характердаги ҳисоботларни тайёрлашдир. Ижодий ҳисоботни болаларга хос миллий мусиқий оханглар, театр томошаларига саёҳат, табиат қўйнидаги саёҳатлар, оилавий байрам, спорт мусобақалари, маърифий суҳбатлар, кичик викториналар тарзида тайёрлаш ва уларни жамланмасидан кичик роликлар, фото суратлар кетма-кетлик жамланмасини ҳам тайёрлаш мумкин.



**5-расм. Мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурур хиссини тарбиялашда МТТ-маҳалла-ота-она ҳамкорлиги модели**

Тадқиқотимиз доирасида болалардаги буюк сиймоларга, аждодларга бўлган қизиқиш мотивлари, ёш хусусиятларини, руҳий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда табиий жараён эканлигини аниқладик.

Диссертациянинг **“Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашга доир тажриба-синов ишлари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг мазмун ва моҳияти, тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг самарадорлиги, олинган натижалар таҳлили ёритиб берилган.

Педагогик тажриба-синов ишларида Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд кўзмунчоғи”, “Kinder siti” НМТТлари ва 104 – МТТ дан 205 нафар, Тошкент шаҳридаги 60-389-440- МТТларнинг 140 нафар, Бухоро шаҳридаги 54-81-82-83-МТТларнинг 175 нафар, жами 520 нафар респондент тарбияланувчилар орасида тажриба синов ишлари ўтказилди.

Тадқиқот мавзуси юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари давомида “Буюк сиймолар билан танишиш”, “Буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш йўллари янги шароитда қўллаш” каби мавзуларда уюштирилган баҳс-мунозаралар миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда ижобий натижалар беришини кўрсатди. “Ватанимга содик фарзанд бўламан”, “Аждодларим - фаҳрим, ғурурим” мавзуларида тарбияланувчилар билан учрашувлар ташкил қилинган суҳбатлар ва баҳс мунозаралар тарбияланувчиларни анъаналаримизга, қадриятларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга, уларда миллий ғурур, миллий ифтихор ҳисларини таркиб топишига амин бўлдик.

Тадқиқотимизга доир тажриба-синов ишларини МТТ ва оила ҳамкорлигида олиб боришни, ва бир-бири билан боғлиқ бўлган, қуйидаги тўртта масалани қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Фронтал ва эркин фаолият давомида тарбиявий тадбирларнинг аниқ мақсадга (болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашга) йўналтирилганлиги

МТТ тайёрлов гуруҳи болаларида миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда буюк сиймоларнинг маънавий меросидан унумли фойдаланиш. (ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавзуларни танлаб олиш).

Миллий ғурур ҳиссини тарбиялашга қаратилган бор методларни такомиллаштириш ва болалар учун қизиқарли маълумотларни тўплаш.

Болалар онгида миллий ғурур тушунчасини тарбиялашга хизмат қилувчи тарихий материаллар (буюк сиймолар ҳақидаги материаллар);

Тарбияланувчилар ҳиссиётига фаол таъсир этадиган буюк сиймолар ижоди маҳсулларида намуналар (ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда).

Тадқиқотимиз давомида, тарбияланувчиларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш борасида биз фойдаланган буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Жалолоддин Мангуберди ёки мендирман ўша”, “Анджондан келтирилган тухфа”, “Бобур мирзо ва қизи”, “Донишманд устоз”, “Ибн Синонинг васияти”, “Берунийнинг дам олиш кунлари”, “Соҳибқирон АмирТемур”, “Ёлғончининг изза бўлиши”, “Тил”, “Нон ҳиди”, “Бобур мирзо”, “Етим қолмасин”, “Улуғбекнинг шогирди”, “Широқ” каби

эртак, ривоят, ҳикоятлар тажриба-синовларимизда юқори натижалар бердики, ишларимиздан қониқиш ҳосил қилдик.

### 1- жадвал

**Мақтабгача таълим ташкилотлари катта ва тайёрлов гуруҳларида буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синовнинг самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (натижалар фоизларда)**

№	Мезонлар	Тажриба гуруҳида (258 нафар)			Назорат гуруҳида (262 нафар)		
		Юқори (3 балл)	Ўрта (2 балл)	Қуйи (1 балл)	Юқори (3 балл)	Ўрта (2 балл)	Қуйи (1 балл)
1.	Она заминимизда етишиб чиққан буюк сиймолар ҳақида тасаввурга эга бўлиши	52,2	38,1	9,7	36,2	35,1	28,7
2.	Тақдим этилган расмдаги аждодларимизни таний олиши	53,6	37,3	9,1	35,8	33,3	30,9
3.	Тақдим этилган расмдаги инсонларга ўхшашга интилиши	53,5	35,7	10,8	34,9	34,1	31
4.	Тақдим этилган расмда тасвирланганлар орасидан шоирларни топа олиши	52,1	39,1	8,8	33,6	35,1	31,3
5.	Тақдим этилган расмда тасвирланганлар орасидан саркарда подшоҳларни топиши	53,3	37,2	9,5	35,2	36,4	28,4
6.	Тақдим этилган расмдаги шахсларнинг Ватан равнақи учун қўшган фазилатлари ҳақида тушунчага эга бўлиши	57,4	36,4	6,2	36,1	32,2	32,7
	<b>Жами:</b>	322,1	223,8	54,1	211,8	206,2	183
	<b>Ўртачаси:</b>	53,6	37,3	9,1	35,3	34,3	30,5

Тажриба-синов натижалари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган натижаларга асосланган ҳолда мактабгача таълим ташкилотлари катта ва тайёрлов гуруҳларида буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаларини аниқлаш бўйича тажриба гуруҳларидан олинган натижа бўйича қиёсий математик-статистик методи ёрдамида таҳлил этилди. Тажриба-синовда жами 520 нафар респондент-тарбияланувчилар қатнашди. Шундан 258 нафар тарбияланувчи тажриба гуруҳида ва 262 нафар назорат гуруҳида иштирок этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги тарбияланувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳи тарбияланувчилар билимининг

ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.


Юқоридаги жадвалга асосан тарбияланувчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотезани танлаймиз. Жадвалдаги фоизларда берилган кўрсаткичларни тарбияланувчилар сонига ифодалаб, тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

2- жадвал

**Мактабгача таълим ташкилотлари тайёрлов гуруҳларида Буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синовнинг тажриба боши ва якунидаги самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари**

Тажриба босқичлари	Гуруҳлар	Тарбияланувчилар сони	Ўзлаштирилганлик даражаси		
			Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	258	86	88	8
	Назорат гуруҳи	262	87	86	88
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	258	139	96	2
	Назорат гуруҳи	262	92	88	81

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



**6-расм. Тажриба бошида ва якунида тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижалар**

Олинган натижалар математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, Стъудент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$k$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2	1,99			Ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган						
2,45	2,04	0,4275	0,6584	2	2	6,31	504	42,26	0,08	0,1

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки,  $\bar{X}=2,45$ ;  $\bar{Y}=2,04$ ;  $\Delta_x = 0,08$ ;  $\Delta_y = 0,1$ ; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,45 - 0,08}{2,04 + 0,1} = \frac{2,38}{2,14} = 1,11 > 1;$$

$$K_{odob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,45 - 0,08) - (2,04 - 0,1) = 2,37 - 1,94 = 0,41 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба якунидаги ўзлаштириш тажриба бошидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, мактабгача таълим ташкилотлари катта ва тайёрлов гуруҳларида Буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синовнинг самарадорлик даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги (13-14 % га ошди) статистик таҳлилдан маълум бўлди.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Тадқиқотимиз доирасида, мақсадли тарбиявий таълим тизими ҳар қандай жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, ижтимоий-сиёсий турмушнинг маънавий-ғоявий пойдевори эканлигига яна бири бор амин бўлдик. Тарбиявий жараён дастлаб оила, маҳалла, мактабгача таълим билан чамбарчас боғлиқ. Тарбия жараёнининг тизими ва аниқ мақсадга йўналтирилган механизми миллат ва алоҳида-алоҳида шахс баркамол қиёфасини шакллантиришнинг бирдан бир омилдир. Тарбия жараёнида барча омиллар ичида энг асосий ва муҳим ролни оила ўйнайди. Оилада ҳукм сурган вазият, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги бир-бирига бўлган муҳаббат, ҳурмат, эътибор, бир-бирига самимий қизиқиш ва бошқалар оилавий тарбиянинг асосини ташкил этади. Оила аъзоларининг ўз қариндошларини эслашнинг ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади. Аждодларни хотирлаш, улар қолдирган меросни ўрганиш болаларда юксак миллий ғурур ҳиссини тарбиялайди.

Айтиш мумкинки, буюк сиймолар билан таништириш болаларда миллий ғурур, фахр, ифтихор, аждодлардан намуна олиш, фахрланиш ҳисси комплекс тарбиянинг муҳим қисми ҳисобланади. Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш. амалий эҳтиёж доирасида вужудга келган ўзбек миллати вақт ўтгани сайин ўз назарий-илмий

асосларга эга бўлди. Ўрта Осиё халқлари қадимдан турли шакл ва мазмундаги миллий ғурур ҳиссини яққол кўрсатадиган аждодлар намунасини яратишга муваффақ бўлганлар. Миллий ғурур ҳиссига оид асарларни ўрганиб таҳлил этиш мақсадида тарихшунослик, тилшунослик, ижтимоий фалсафа, демография ва этнография фанларида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлар ва фундаментал асарлар ўрганилди. Тадқиқот давомида шунга гувоҳ бўлдикки, Шарқда, хусусан Ўзбекистонда буюк сиймолар билан таништиришнинг ўзига хос тажрибаси ва мактаби мавжуд. Ушбу тажриба ижтимоий-гуманитар фанларнинг айрим соҳаларида бирмунча ўрганилган. Лекин буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида ўрганилмаган. Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш методикасини такомиллаштириш ечимини топишда тарихий манбалар, адабиётлар, этнографик тадқиқотлар билан танишиб, болалар тарбиясидаги мавжуд ҳолати баркамол инсон тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлигини аниқладик, шуни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун “Миллий-маънавий кадрятлар ва комил инсон тарбияси”, “Аждодлар шажарасида баркамол авлод тарбияси” номли методик қўлланма ишлаб чиқилди;

мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда МТТ-маҳалла-ота-она ҳамкорлиги модели ишлаб чиқилган ва компонентлари мазмуни очиб берилган;

мактабгача ёшдаги болаларда буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган методик таъминотдан педагог-тарбиячиларнинг малакасини оширишда фойдаланиш учун “Аждодларга муносиб авлод” номли вариатив дастур ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди;

Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш бўйича қуйидаги амалий тавсиялар берилди:

- Болаларни буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш.

- МТТ ларда болаларни буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга оид тасаввурларини ривожлантириш бўйича машғулотлар ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш.

- Ўқув-методик мажмуа асосида болаларнинг буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга оид тасаввурларини ривожлантириш бўйича машғулотларни таянч мактабгача таълим ташкилотларида тажриба синов тариқасида ўтказиш.

- Тажриба синов натижалари бўйича “Илк Қадам” Давлат ўқув дастури асосида болаларнинг буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга оид тасаввурларини ривожлантириш бўйича парциал ўқув дастурини ишлаб чиқиш .

- “Илк Қадам” Давлат ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган парциал ўқув

дастури ва ўқув-методик мажмуани таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича тарбиячилар учун педагогик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тренинглар ташкил қилиш.

- “Илк Қадам” Давлат ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган парциал ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуа бўйича барча мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини ташкил қилиш.

- Мактабгача таълим тизимидаги малака ошириш курсларида машғулот олиб боровчи ўқитувчиларга болаларнинг буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантириш экспериментлар – амалий тажрибага оид тасавурларини ривожлантириш бўйича замонавий педагогик технологияларини ўргатиш.

- Буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантириш бўйича замонавий ўқув дидактик, кўрғазмали ва тарқатма материаллар, дидактик ўйинлар, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ қилиш

- Буюк сиймолар билан таништиришда миллий ғурур ҳиссига урғу берадиган болалар (Болаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) бадий адабиёт намуналарини мазмунли расмли тарзда нашр эттириш;

- МТТ, оила-махалла ҳамкорлигида сайр, экскурсия ва сайёҳатларни ташкил этиш, аждодлар мероси асосида миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга йўналтириш;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И  
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ДИРЕКТОРОВ И  
СПЕЦИАЛИСТОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
ОРГАНИЗАЦИЙ**

---

**ИНСТИТУТ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ ДИРЕКТОРОВ И СПЕЦИАЛИСТОВ  
ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

**ЭРГАШЕВА НАРГИЗА ИБРОХИМОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ФОРМИРОВАНИЯ ЧУВСТВА  
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ У ДЕТЕЙ ПУТЁМ ОЗНАКОМЛЕНИЯ  
ИХ С ВЕЛИКИМИ ДЕЯТЕЛЯМИ  
(на примере старших и подготовительных групп)**

**13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФАЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Фалсафа доктори PhD диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.Phd/Ped1717 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация выполнена в Институте переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов дошкольных образовательных организаций.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.mdomoi.uz](http://www.mdomoi.uz)) и на информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Юлдашев Мақсуд Абдуллаевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Рискулова Комола Джумаевна**  
доктор педагогических наук, доцент

**Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна**  
доктор педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD. 12/30.12.2019.Ped.80.01 при в Институте переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов дошкольных образовательных организаций (Адрес: 100011, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуф Хос Хожиб дом 64. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; e-xat: [mtm-malaka.oshirish@exat.uz](mailto:mtm-malaka.oshirish@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре института переподготовки и повышения квалификации директоров и специалистов дошкольных образовательных организаций (Адрес: 100011, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуф Хос Хожиб дом 64. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; e-xat: [mtm-malaka.oshirish@exat.uz](mailto:mtm-malaka.oshirish@exat.uz)).

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол рассылки № “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Қ.Т.Олимов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.п.н., профессор

**Д.О.Химматалиев**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.п.н., в.и. профессор

**Н.Х.Рахманқулова**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней,  
д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Проводимые в мире реформы ставят задачу повышения качества дошкольного образования и воспитания, внедрения современных форм и методов обучения в соответствии с требованиями процветающего демократического государства. В осуществлении задачи совершенствования системы дошкольного образования, опираясь на международный опыт, важную значимость приобретают Программы Великобритании (The Early Years Foundation Stage – EYFS), ЮНИСЕФ, Декларация форума Всемирного образования ЮНЕСКО, программы ООН “Цель стабильного развития -2030”.

В мире все большую актуальность приобретают изменения в национальном самосознании каждой нации под влиянием национальной идеи, в изучении сформировавшихся веками обычаев и традиций, в приобщении детей дошкольного возраста к делам великих деятелей, заложивших в истории краеугольные камни мировой цивилизации, в работе по воспитанию духовно зрелого человека, сформировавшегося с чувством национальной гордости. Известный китайский философ Конфуций сказал, что величие Китая, считающейся страной Поднебесной, раскрывается в характере китайцев. С этой точки зрения можно сказать, что величие прошлого Узбекистана обеспечено было узбекским характером. В основе этого характера и поведения лежит национальный менталитет, который формируется на основе семейного окружения, среды дошкольного образования и духовного сотрудничества. Это означает, что великое будущее Узбекистана строят духовно и идеологически зрелые молодые люди, воспитанные в среде сотрудничества. В современном мире, где наш образ жизни радикально меняется, меняется и наше мышление, оно становится ещё более важным в социальном плане. Социально-гуманитарная мысль, в частности, ставит перед отечественной педагогической наукой еще более серьезные вызовы, связанные с образованием.

Благодаря Независимости понятия национальной гордости, национальной идеи в нашей стране, сочетаясь с понятием патриотизма, приобретают новый смысл. Воспитание чувства национальной гордости - это долгосрочный процесс, эффективность которого во многом зависит от направлений образования, которое начинается с дошкольного возраста. Слова президента Ш. Мирзиёева «Наш народ должен ощущать влияние реформ на свою жизнь сегодня, а не в будущем» должны стать для нас программой.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит осуществлению задач, намеченных в Законе “О дошкольном образовании и воспитании” Республики Узбекистан за № 595 от 16 декабря 2019 года<sup>1</sup>, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О Стратегиях действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” ПП-4947 от 7 февраля 2017 года, “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы дошкольного образования в 2017-2021 гг.” ПП-2707 от 29 декабря 2016 года,

---

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан “О дошкольном образовании и воспитании” за № 595 от 16 декабря 2019 года.

“О мерах по кардинальному совершенствованию системы дошкольного образования” ПП-3261 от 9 сентября 2017 года, “Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года” ПП-4312 от 8 мая 2019 года, “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования” ПП-4884 от 6 ноября 2020 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности дошкольных образовательных учреждений” за № 391 от 13 мая 2019 года, а также задач отраженных в других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с Государственной научно-технической программой «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» на тему “ИТД-1 Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальных идей, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, а также неразрывности и приемственности образования, воспитания гармонично развитого поколения”.

#### **Степень изученности проблемы.**

Научные исследования по развитию образовательного процесса дошкольных образовательных организаций республики: О.Тураевой, О.Хасанбаевой, Ф.Кадыровой, Ш.Шодмоновой, Д.Бабаевой, Н.Джамиловой, Г.Джанпеисовой, Р.Мавлонова, А.Мухсиевой, Ш.Садиковой, Н.Абдуллаевой, Г.Бердалиевой, С.Рахимовой, Г.Назировой, а также А.Аскарлова, Б.Ахмедова, Ш.Атаджановой, Д.Абдурахимовой, М.Инамовой, Д.Холикова, М.Хайруллаева, С.Отамуратова, М.Куронова, О.Мусурмановой которые в своих исследованиях широко освещают вопросы воспитания национальной гордости, национального самосознания.

Из исследований ученых СНГ: О.Зверевой, Е.Лютовой, Н.Голубева, О.Солодянкиной, Е.Арнаутовой, А.Асмолова, Т.Афанасьевой, А.Баталова, К.Белой, Л.Денякиной, В.Дубровой, Н.Немовой. проводивших исследования в области образования.

Заслуживают достойной оценки работа зарубежных ученых в области дошкольного образования: Ю.Фаусек, Э.Брион, М.Монтессори, Дьюи Дж, Ю.Гиппенрейтер, Дж.Руссо.

**Целью исследования** является совершенствование методики формирования у детей чувства национальной гордости путем ознакомление великих деятелей в процессе дошкольного образования.

#### **Задачи исследования:**

теоретическое обоснование социальных, педагогико-психологических аспектов, выявление содержания и компонентов формирования у детей чувства национальной гордости путём ознакомления их с великими национальными деятелями;

совершенствование методики организационно-педагогических предпосылок формирования у детей чувства национальной гордости на основе изучения творчества великих национальных деятелей;

реализация вариативной программы «Поколение, достойное предков» по формированию у детей чувства национальной гордости на основе исторических фактов описанных современными учеными о великих национальных деятелях.

**Объектом исследования** был намечен процесс формирования чувства национальной гордости у детей дошкольного возраста, участниками эксперимента являлись 520 воспитанников из 10-ти дошкольных организаций: города Ташкента, а также Самаркандской и Бухарской областей.

**Предметом исследования** являются содержание, формы, методы и средства совершенствования методики формирования чувства национальной гордости в старшей и подготовительной группах образовательной организации путём знакомства их с творчеством великих национальных деятелей.

**Методы исследования** обосновываются изучением научных источников, учебных планов, нормативных документов, учебников и учебных пособий, а также историко-сравнительного анализа, педагогического наблюдения, аналитического обзора анкеты, интервью, математической и статистической обработки результатов исследований, сравнительно-описательного метода аналитического обзора, анкетирования, математико-статистической обработки результатов, сравнительно-описательным метода.

#### **Научная новизна диссертационного исследования**

- определены педагогические предпосылки формирования у дошкольников чувства национальной гордости, в центрах развития на основе дифференцированного и интегративного подхода путем ознакомления их с великими национальными деятелями;

- на основе разнообразных методик и наглядных пособий по формированию у дошкольников чувства национальной гордости разработана программа и методическое обеспечение «Поколение, достойное предков»;

- усовершенствован механизм формирования у детей чувства национальной гордости, на основе принципов системной последовательности, свободной деятельности, личностно-ориентированного, осмысленного, целенаправленного и духовного подхода;

- усовершенствована модель сотрудничества ДОО с махаллей и родителями в воспитании у дошкольников чувства национальной гордости была на основе приоритетности принципа развития у дошкольников интереса к выдающимся личностям.

#### **Практические результаты исследования**

разработаны методические пособия для воспитанников дошкольных образовательных организаций: «Национально-духовные ценности и

воспитание совершенного человека», «Воспитание гармонично развитого поколения в генеалогическом древе предков»;

